

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАҲАРАРЛИК ОМИЛИ: СИФАТ ТАВСИФИ ВА ҚИЙМАТ АЛМАШИНУВЛАРИ

Мақолада “инвестиция” категориясининг мазмун-моҳияти, тавсиф белгилари ва турлари, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиши, уларнинг сифат тавсифи ва қиймат алмашинувлари самарасини аниқлаштириши ҳамда жозибadorлигини ошириши масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестициялар моҳияти, инвестициялар ҳаракати, инвестиция меъёри, инвестицияларнинг сифат тавсифи ва қиймат алмашинувлари, хорижий инвестициялар, реал инвестициялар, жозибador инвестиция муҳити

Целью статьи является исследование наиболее фундаментальных свойств сущности, характеристики качества и стоимостные переходы категории “инвестиция”. При этом в центре внимания авторов обеспечение стабильного роста объёма привлечение иностранных инвестиций, поскольку именно они способствуют и предопределяют ускоренного развития страны.

Ключевые слова: инвестиция, сущность инвестиций, поток инвестиций, норма инвестиций, характеристика качеств инвестиций и их стоимостные переходы, иностранные инвестиции, реальные инвестиции, привлекательный инвестиционный климат

The aim of the article is to study the most fundamental properties of nature, quality characteristics and value transitions category of "investment". In this case the focus of the authors to ensure stable growth of the volume of foreign investment, as they contribute to and determine the accelerated development of the country.

Key words: investment, the essence of the investment, the flow of investments, investment rate, the characteristic qualities of the investment and the cost of their transitions, foreign investment, real investment, attractive investment climate

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ни инновацион технологияларга асосланган аснода ташкил қилишни, инвестициялар ҳаракати кўламини янада оширишни, хусусан, хорижий инвестициялар фаол жалб этилишини тақозо этмоқда.

Замонавий молия назариясида инвестициялар иқтисодий мазмун-моҳиятининг энг муҳим сифат тавсифларини янада аниқлаштириш долзарб

бўлиб қолмоқда. Бу жараёнда мазкур назария молия бозорининг функционал қонуниятлари ва қийматни баҳолашнинг фундаментал концепциялари, узок муддатли активларни баҳолаш моделлари кабиларга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, «*инвестиция*» категорияси талқини иқтисодий фанлар тармоқлари ҳамда амалий фаолиятдаги мақсади ва аҳамияти, ҳаракат йўналишларининг хусусияти ва объектларига мазмун-моҳиятан мос равишда аниқлаштирилиши муҳим ҳисобланади.

*Иқтисодий адабиётларда ва қатор иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмаларида «инвестиция» - «жамғариш (бойлик ва ресурслар) - жойлаштириш (қўйиш, сарфлаш) - маҳсулотни яратиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий самара олиш»*га йўналтирилган динамик ҳаракатни ўзида мужассам категория сифатида талқин этилган. Хусусан, «*инвестиция*» (лот. «*investio*») тор маънода¹, келгусида натижани кўлга киритиш учун мақсадли жойлаштирилган харажат бўлиб, у даромад ошириш воситаси ҳисобланади. «*Инвестиция*» кенг маънода² эса, жойлаштирилган капитални кўпайтириб қайтариб олишни англатади ҳамда уларга доир ҳуқуқларни таърифлайди.

«*Хорижий инвестициялар*» атамаси ҳам мазмунан айнан шу маънони касб этади, аммо субъектига кўра фарқланади.³ Ф.Хениус Ташки савдо луғатида «*Хорижий инвестициялар - бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт килинган инвестициялар*»⁴ тарзидаги берган умумий таърифи эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунида (1998 йил 30 апрель, 609-І-сон)⁵ мамлакатимиз ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият ҳолларда фойда олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий русурслар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулк ҳуқуқи, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад хорижий инвестиция ҳисобланиши қайд этилган.

Инвестицияларнинг сифат тавсифи ва қиймат алмашинувларини режалаштириш ва самарасини аниқлаштириш уларни (маблағ қўйиш

¹ <http://invest-insurance.ru/chto-takoe-investicija-prostymi-slovami/>

² Инвестиция тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти, инвестицион фаолият субъектлари тавсифи-таржима муаллифники.//Манбаа: <http://www.studfiles.ru/preview>

³ Иностранные инвестиции. (Электронная скан-библиотека).//<http://bookdata.org/construction/investments17/>

⁴ Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, P.387.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Чет эл инвестициялари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 86-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2012 й., 52-сон, 584-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда)//www.lex.uz

объектига, мулкчилик ва ташкилий шаклларига, маблағ киритишдаги иштирокига ва ҳаракат йўналишига, шунингдек, риск даражасига кўра) гуруҳлашни тақазо этади (расм).

Инвестициялар тавсиф белгиларига кўра, шаклан турличалиги ⁶ уларнинг ўзига хос хусусиятларини юзага келтиради. Масалан, моддий инвестициялар асосий капиталнинг таркибий элементлари хариди кўринишида, инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Номоддий инвестициялар эса, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулот намуналарини яратишга йўналтирилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий капитал жойлаштирилиши турли (пул, товар, мулк ҳуқуқи ва бошқа) шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бу ўринда «инвестиция», *биринчидан*, ишлаб чиқариш назарияси ва макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инсон капиталини ўзида мужассам этган янги капитални яратиш жараёни бўлса, *иккинчидан*, молия назариясида реал активлар қўлга киритилишини, яъни муайян қиймат олиниши эҳтимол бўлган қийматга алмаштирилганлигини англатади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАВСИФ БЕЛГИЛАРИ																							
МАБЛАҒ ЖОЙЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИГА КЎРА			МАБЛАҒ КИРИТИШДАГИ ИШТИРОКИГА КЎРА		ТАШКИЛИЙ ШАКЛИГА КЎРА		МУЛКЧИЛИК ШАКЛИГА КЎРА			ҲАРАКАТ ЙЎНАЛИШИГА КЎРА		МАБЛАҒ КИРИТИШ ДАВРИГА КЎРА		РИСК ДАРАЖАСИГА КЎРА									
Т			У		Р		Л			А		Р		И									
РЕАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	МОЛИЯВИЙ (ПОРТФЕЛЛИ) ИНВЕСТИЦИЯЛАР	НОМОДДИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	БИЛВОСИТА ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ХУСУСИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ	ПОТФЕЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР	ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ	ЮРИДИК ШАХСЛАР	ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ	ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ	ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	НЕТТО-ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ЭКСТЕНСИВ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	РЕИНВЕСТИЦИЯЛАР	БРУТТО-ИНВЕСТИЦИЯЛАР	ҚИСКА МУДДАТЛИ	ЎРТА МУДДАТЛИ	УЗОҚ МУДДАТЛИ	АГРЕССИВ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	МУТАДИЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР	КОНСЕРВАТИВ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инвестиция фаолияти тўғрисида (янги таҳрири). 2014 йил 9 декабрь, ЎРҚ-380-сон.//«Халқ сўзи» газетаси 2014 йил 10 декабр, 238 (6168)-сони.

Инвестициялар ҳажмига кутилаётган даромад нормаси⁸ таъсир этади, масалан, норма қанчалик юқори бўлса, ҳажм ҳам мос равишда шунчалик катта бўлади ва аксинча. Мамлакатда инвестициялар ҳажмига ссуда фоизи ставкаси ҳам сезиларли таъсир этиши, бу жараёнда, қарз маблағларидан ҳам фойдаланилиши кузатилади.

Ҳозирги шароитда кечаётган технологик янгиланишлар интеллектуал салоҳиятни ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг кучли омилига айланганди. XXI асрнинг ўтган ўн йилликлари давомида жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Масалан, дунёнинг ривожланган (АҚШ, Япония ва бошқа) мамлакатларида илмий тадқиқотга сарфланадиган қўйилмалар ҳажмининг ўсиш суръатлари уларда асосий фондларга сарфланадиган инвестицияларга нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига кейинги йилларда киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, таркибий ўзгартиришлар, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгिलाш чора-тадбирлари ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши, хусусан, 2015 йилда 15,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиши, шу жумладан уларнинг 3,3 миллиард доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар эканлигини келтириб ўтиш ўринлидир.⁹

Бугунги кунда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари қатор омилларга, хусусан, уларнинг фойда, истеъмол ёки жамғармага йўналтирилиши билан бевосита ўзаро боғлиқликда кечади. Масалан, инвестициялар, муайян мамлакат аҳолисининг ўртача даромади паст ҳолларда (қайриб 70-80%) истеъмолга сарфланса, аксинча, даромадлар ўсиб боришига мос равишда уларнинг жамғаришга йўналтирилган қисми ортиб бориши кузатилади.¹⁰ Бу ҳолатда даромадда жамғариш улушининг ортиб бориши инвестициялар ҳажмини ўсишига олиб келади ёки аксинча. Албатта, бу шарт давлат

⁷ Инвестицияларнинг тавсиф белгилари ва турлари илмий адабиётлар (масалан: Значение инвестиционных форм.//<http://projectimo.ru/upravlenie-investiciyami/formy-investicij.html>) тадқиқига асосланиб муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

⁸ Методики финансового анализа. IRR(норма доходности).//<http://www.financial-analysis.ru/methodses/metIAIRR.html>

⁹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: «Маънавият», 2016. – 11 б.

¹⁰ См.: Потребление и инвестиции.// <http://makroekonomika.narod.ru/files/consins.htm>

фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаган ва кафолатлаганда кузатилади.

Глобализация жараёнида умумжаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, маркетингни ривожлантириш, тизимлашган ахборот базасини шакллантириш мамалакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш жараёнини жадаллаштиради. Шунинг учун реал инвестициялар таркибида фан, технологиялар, таълимга йўналтирилган реал инвестициялар асосий ўринни эгаллаши талаб этмоқда. Шунингдек, асосий фондларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар)га йўналтирилган ҳажмининг умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик ўзагини ташкил этади.

Қайта ишлаб чиқаришга жалб этилган инвестициялар (қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги технологик жиҳозланишга йўналтирилган) таркиби бўйича харажатлар уларнинг умумий харажатлардаги нисбий улушини аниқлаштириш имконини беради. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармоқлараро таркиби эса, уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини англатади.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестициялар асосини шахсий инвестициялар ташкил этади. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати замирида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади. Шу боис, давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамият касб этади.

Реал инвестициялар тавсифи уларнинг ҳажми ва даромад меъёрлари асосида амалга оширилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса, уларнинг ҳажмини ЯИМга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ўзида акс эттиради.

Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯИМнинг капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилинишини англатади. Жамғариш самараси капитал сиғимкорлигининг ўсиши коэффицентлари сифатида аниқланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда жозибадорлигини оширишнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- *биринчидан*, хорижий инвестициялар экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш(иш бажариш, хизмат кўрсатиш)га инновацион технологиялар самарали жорий этилиши, хусусан,

мамлакатимизнинг иқтисодий потенциали ва инфратузилмаси юқори бўлган ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этишини жадаллаштиришнинг омили бўлади;

- *иккинчидан*, миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда хорижий инвестицияларнинг ролини ўрганиш ва уларни жалб этишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини турли омиллар таъсирини инобатга олинган ҳолда мақсадли олиб бориш замирида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу жумладан аграр тармоқда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали аҳоли бандлигини таъминлайди;

- *учинчидан*, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш, хусусан, нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ўзлаштиришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашга, туризмни ривожлантиришга қаратилиши орқали пировардида аҳолининг турмуш даражаси оширилишига қулай имконни юзага келтиради;

- *тўртинчидан*, иқтисодиёт субъектларининг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнини технологик янгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга замин яратади;

- *бешинчидан*, табиий ресурсларни қайта ишловчи ишлаб чиқариш субъектлари шаклланишига кўмак беради.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан хориж капиталини, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш инвестициялашда энг самарали воситаси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг энг муҳим устувор жиҳати, иқтисодиётни эркинлаштириш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилиш ва халқ фаровонлиги таъминлашдан иборатдир.

Хулоса тарзида, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда хорижий инвестицияларнинг сифат тавсифи ва қиймат алмашинувлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айнан инвестициялар мамлакатимиз иқтисодий ва технологик янгилиниши жараёнининг ҳаракатлантирувчи омилларидан бири саналади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай ва жозибадор инвестиция муҳити қарор топди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосга эга бўлган кенг кўламдаги яхлит имтиёзлар, афзалликлар ва қафолатлар тизими яратилди. Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, инвестицияларнинг устувор йўналишларини

аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида молиявий манбаларни мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг истиқболини белгилайди.